

ISSN 2181-7200

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

# ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ



═══════════ 2018 ( спец. вып. 1) ════════════  
═══════════

НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ  
ЖУРНАЛ ФерПИ

SCIENTIFIC-TECHNICAL  
JOURNAL of FerPI

ФАРҒОНА – 2018



ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ  
ТАҲРИРИЯТИ:

Нашр учун масъул  
Масъул муҳаррир  
Мусаххих  
Мусаххих  
Мусаххих  
Компьютерда саҳифаловчи

А.М. Расулов  
Н.Х. Юлдашев  
Д.Х. Мамажонова  
А.Ш. Нигматуллина  
Д.Н. Марайимова  
С.Э. Йўлдашева

Таҳририят манзили:  
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.  
Телефон: 241-13-54.  
Факс: 241-12-06.  
Бизнинг сайт: <http://www.ferpi.uz>  
E-mail: [jurnalferpi@mail.ru](mailto:jurnalferpi@mail.ru)

Ўзбекистон республикаси матбуот ва ахборот агентлиги  
Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси  
томонидан 2007 йил 22 февралда № 12-064  
рақами билан рўйхатга олинган

Босишга рухсат этилди: 15.10.2018 й.  
Бичими: А4. Гарнитура Times New Roman.  
Босма табоғи: 15,25. Адади 20 нусха. Булортма № 3.  
Баҳоси шартнома асосида.  
«Dadaxon Nur Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Фарғона шаҳар Б. Марғилоний кўчаси 62-уй.  
Лиц: №22-2891 21.11.2012 йил.

**ПЕДАГОГИК КАСБИЙ ФАОЛИЯТ ДЕФОРМАЦИЯЛАРИ ТАДҚИҚОТИ.**

**ИССЛЕДОВАНИЯ ДЕФОРМАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.**

**RESEARCH DEFORMATION OF PEDAGOGICAL ACTIVITY.**

<sup>1</sup>Абдурахмонов С. М., <sup>2</sup>Ражабов М.Ж., <sup>3</sup>Ражабова Х.Х.

<sup>1,3</sup>Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети  
Фарғона Филиали, <sup>2</sup>Фарғона Давлат Университети

### ***Аннотация***

Мақолада педагоглар ўз касбини эгаллаш жараёнида юзага келадиган касбий деформаци атрофлича ўрганилиб тадқиқот натижалари келтирилган. Типик касбий деформацияларни камайтириш учун ишлаб чиқилган тавсиялар келтирилган.

***Таянч иборалар:*** педагогик жараён, педагогик фаолият, педагогик деформация, касбий фаолият деформацияси

### ***Аннотация***

В данной статье рассматривается и приводятся результаты исследования типичной деформация начального этапа освоения профессии личности педагога преподавателя. Приводятся разработанные рекомендации по уменьшению типичных деформации в деятельности преподавателей.

***Ключевые слова:*** педагогический процесс, педагогическая деятельность, педагогическая деформация, профессиональная деформация.

### ***Annotation***

This article examines and presents the results of a study of the typical deformation of the initial stage of mastering the profession of a teacher's teacher. The developed recommendations on the reduction of typical deformations in the activity of teachers are given.

**Key words:** pedagogical process, pedagogical activity, pedagogical deformation, professional deformation.

Ўқув муассасалари раҳбарлари, шу жумладан амалий психологлар ўз иш фаолиятлари давомида кўпинча типик педагогик деформацияни юзага чиқарувчи, шахсга таъсир этувчи касбий фаолиятлар механизмларини аниқлашда, ўқитувчини касбга кириш босқичини баҳолаш муаммоларига дуч келадилар. Чунки, раҳбарлар ўзи раҳбарлик қилаётган ўқув муассасасида кадрлар базасини яратишда қўл остидаги педагог ҳодимларнинг типик деформациясини билмасдан туриб уни бирор ишга тавсия қилишда муаммога дуч келиши табиий. Аввало биз касбий деструкция ва деформация сўзларини фарқлаб олмоғимиз лозим. Бунда, касбий деструкция - инсонни ва фаолият тузилмасини ўзгариши бўлиб, меҳнатни унумдорлиги ва мана шу жараённинг бевосита иштирокчиларига негатив муносабатдир [1].

Шахсни касбий деформацияси – бир муддат давомида бир хил касбий фаолият билан шуғулланишда шахс хусусиятларининг (идрок стереотипи, қадриятлар ориентацияси, характер, муносабатлар ва хатти-харакатлар) ўзгаришидир[2]. Бошқа бир адабиётда шахсни касбий деформациясига қуйидагича таъриф берилди. Бу шахсий хусусиятларни ўзгариши бўлиб, касбий мажбуриятларни бажариш давомида касбий хулқ-атвор, гапириш усули ҳамда ҳаракатларида кўзга ташланади. Касбий фаолият ва индивидуал хулқ-атвор инсон ўзи шуғулланаётган касби учун аҳамиятли фазилатларнинг даражасини ўзгартириб юборадими, бу фаолият сифатини ўзгаришига негатив таъсир кўрсатади. Касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ўз навбатида маълум бир шараитларда инсоннинг руҳий тизимига деформация қилиш орқали негатив таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки ҳар бир касбни ўз стрессорлари ва травматик аломатлари мавжуд. Шундай қилиб кўпроқ инсонлар билан боғлиқ касбларда касбий деформация юқори таъсирга эга бўлиб булар асосан идора ҳодимлари менеджерлари, тиббий ҳодимлар, педагоглар, психологлар, ижтимоий меҳнат ҳодимлари ва бошқалардир[4]. «Касбий деформация» терминини Питирим Сорокин томонидан қўлланилган бўлиб, касбий фаолиятни инсон руҳиятига негатив таъсири деб таърифланган. Касбий деформация терминини С.Г.Геллерштейн (1930), А.К.Маркова (1996), Э.Ф.Зеер (1999, 2003), С.П.Безносков (2004), Р.М.Грановская (2010), С.А.Дружилов (2013) ва бошқалар ўз илмий ишларида таърифлаганлар[5,6].

Психологлар эса ўз иш фаолияти давомида ўқув муассасасидаги педагоглар ва ота-оналар ўртасидаги айрим муаммоларни ҳал қилишда ёки ўқувчилар жамоасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган баъзи келишмовчиликларни бартараф қилишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Бироқ кўп миқдордаги мезонлар ва педагогларни турларга бўлиш асослари борлиги бу текширишларни қийинлаштиради. Бунда баъзи ўқитувчилар ўз фаолиятида турли қирраларини кўрсатиши орқали муваффақиятга эришадилар, баъзилар ёшларни маслаҳатчиси ва дўстига айланишади, бошқаси ўқувчиларни мутақил ва қатъиятли қилиб шакллантиришга мослашадилар, яна кимдир бўш ўқувчиларга ўзларининг камчиликларини сабабини йўқотишга ёрдам беради. Бу фаолият турларини биттасини устун қўйиб бўлмайди, чунки ҳаммаси керакли. Қуйида биз ўтказган сўровнома турли ўқитиш усулларига йўналган педагогларни бир-бирига таққослаш ва баҳолаш

имконини беради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз Фарғона давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази тингловчиларида «Ўқитувчи шахсининг касбий йўналганлигини баҳолаш» сўровини ўтказдик. Сўровни ташкил этган масалалар асосан ўқитувчиларни фаолияти давомида шкилланган ҳолатини ифодалашга қаратилди.

Олинган натижаларга кўра «Предметга»(1 тур) йўналганлик типига мансуб ўқитувчилар 21,83 фоиз ташкил қилиб, улар учун кузатувчанлик, касбий компитентлик, ижодга интилиш, конструктивлик, мўлжал ола билиш вазифалари хосдир.

Предметик тип ўқувчиларни предметга кучли йўналтириш ва уларнинг фаолиятини айнан фан билимлари ичида ташкил қилиш каби йўналганлик билан бошқалардан фарқ қилишади.

Ҳаётда билимнинг кераклиги ва аҳамиятлилигига қаттиқ ишонган рационалист, предметик-ўқитувчини ўқувчининг дунёни илмий кўринишини қабул қилиниш, тўғарак ишларига жалб қилиш ва бошқалар билан ўқиладиган предмет воситасида тарбиялашга кўпроқ эътибор беради.

Предметик ўқитувчи шахсининг ўзағариши ўзи ўқитаётган фаннинг таркибига боғлиқ бўлади. Бу типдаги ўқитувчи ҳамма жойда, хатто турмушда ҳам илмийликка амал қилади ва одамларга фан ҳақидаги билимларига асосланиб баҳо беради. Бу тип ўқитувчиларда фаолиятидаги деформация ўқувчиларни тарбияси шакиллантиришда, дунё қарашини ташкил этилишини торайиб боришида билинади.

«Ташкилотчи»(2 тур) типдаги ўқитувчилар 20,86 фоиз ташкил қилиб, бу типдаги ўқитувчи шахси структурасини талабчанлик, ташкилотчилик, кучли ирода, шижоат ва доимий сафарбарлик сифатлари ташкил қилади.

Болалар ва жамоа орасида фаол ҳисобланган «ташкилотчи-ўқитувчи» ўзининг шахсий фазилатларини синфдан ташқари вақтда ўтказиладиган тадбирларда намоён қилади. Шунинг учун унинг таъсир этиш натижалари ҳамкорлик ишларида, жамоат қизиқишларида, тартиб-интизом ва бошқаларда намоён бўлади.

Ташкилотчи-ўқитувчи жуда фаол, бошқа одамлар шахсий ҳаётига аралашувчи ва уларни тўғри яшашга ўргатишга ҳаракат қилувчи бўлиши мумкин. У кўпинча атрофдагиларни бўйсунтиришга, бошқаришга, уларни фаолиятини ташкиллаштиришга ҳаракат қилади. Фаоллиги ўринли бўлган жамоат ташкилотларида ташкилотчи ўқитувчи кўпинча ўзининг талабларини қондиради. «Ташкилотчи» типдаги ўқитувчи фаолиятидаги деформация уларни асосий фаолиятида таълим тарбияда маълум талабий фаолиятдан четланишда кузатилади. Улар таълим ва тарбияни тақсимланиш стратегиясини бузади. Ўқувчиларни предмет бўйича асосий билимни олиш механизмида бузилишлар кузатилади.

«Қўллаб-қувватлаш мотивацияси»(3 тур) устун типлар 20,56 фоизни ташкил қилиб улар-кўп ҳолларда мактаб ўқувчисининг ишларига берган ижобий баҳоси, унинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши, маъқуллашнинг ҳар-хил турларини (оғзаки рағбатлантириш, мақташ, ота оналарга юборилган хатлар) қўллашда кўзга ташланади ва улар ушбу йўналганликлари орқали ўқувчида ижобий эмоциялар, қилинган ишдан қувончли қаноатланиш ҳиссини пайдо қилади ва бундан кейин ҳам ана шундай қилиш истагини келтириб чиқаради. бундай типларнинг муомала усулида кўпроқ нерв системаси кучсиз, қўрқоқ, тортинчоқ, ўзига ишонмаган ва руҳан осонгина жароҳатланадиган ўқувчига далда бериш кузатилади. Бизга маълум бундай ўқувчиларга нисбатан

кучли таъсир кўрсатиш чоралари, қаттиқ жазолар, қатъий баҳоларнинг қўлланилиши ярамайди. Ҳаттоки, уларга муомала оханги ҳам турлича бўлиши керак. Индивидуал ёндошишда рағбатлантиришнинг ўқувчиларга турлича таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. «Қўллаб-қувватлаш мотивацияси»(3 тур) тип ўқитувчилари фаолиятида ҳам деформация кузатилиб, таълим тарбия соҳасини ўқувчиларни ривожлантириш тенденциясига бурибюборадилар. Ўқувчилар ривожланиб бориш йўлидан борганларида предметни ўрганишда тўла қамраболиш принципи бузилиши мумкин. Яъни ўқувчилар предметларни ўрганишда энгил томонга юриб, ўқув материалларини тўла ўраниш имкониятида четланиши мумкин. Бу тип ўқитувчилар фаолиятидаги деформация таълим тизимига маълум даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

«Интеллигент»(4 тур) типига мансуб ўқитувчилар 20,41 фоизни ташкил қилиб, улар-юқори интеллект, умумий маданият, одоблилик билан ҳарактерланади.

Интеллигент – ўқитувчи ҳаётининг кўп йилларини касбига бағишлаган, ўзида фалсафий донишмандликни шакллантириб, шароитга боғлиқ ҳолда ўтган даврларни мақтаб ва ёшларга танбеҳ бериб, ўзининг атрофида фақат ёмон нарсаларни кўрувчи моралист бўлиши мумкин.

Интеллигент ўзининг касбий фаолиятида гностикдир. Тарбиявий, илмий текшириш, ахборот, ташвиқот, ривожлантириш ва ўзини шакллантириш функцияларини алоҳида қийинчиликларсиз бажаришга мослашган. Принципиаллиги, ақлий меъёрларга қатъий амал қилувчи «интеллигент-ўқитувчи» ёки «маърифатчи» юқори интеллектуал маърифий фаолият, ўқувчиларга одоб-ахлоқни ўргатиш, маънавийлик, озодаликни ҳис қилиши билан ўзлигига эга бўлади. Бу эса ўз навбатида «Интеллигент-оптимист» типини намоён қилувчи оралиқ типнинг борлигини исботлайди. Шун билан бирга «интеллигент-ташкilotчи»нинг пайдо бўлишини эҳтимоли жуда кам, назарий томондан бу типлар бирлашиши мумкин. «Интеллигент»(4 тур) типига мансуб ўқитувчилар фаолиятида ҳам деформация кузатилган. Улар таълим тарбия жараёнида ўз ўрниларини юқорида деб ҳаракатланади. Ўқувчилар билан ва ҳамкасидлар билан муносабатларда интелегентлик дистанция хосил бўлишига олиб келади. Таълим беручи ва таълим олувчи ўртасидаги дистанцияни хосил бўлиши ҳам ўқув жараёнига маълум салбий таъсир кўрсатади.

«Киришимли»(5 тур) типигадаги ўқитувчилар 16,32 фоизни ташкил қилиб, улар- фақат коммуникатив функцияларни яхши амалга оширишга мослашгандир. Бундан ташқари киришимли тип шахсининг тузилишини киришимлилиқ, раҳмдиллик, ташқи томондан ўзига жалб қилиш, юқори одоблиқ ташкил қилади. Бу сифатларга боғлиқ бўлган хиссиётлилиқ ва хатти-ҳаракатни нафислигини ҳам киритиш мумкин.

Киришимли ўқитувчи учун ортиқча коммуникаторлик, гапдонлик, ҳамроҳ билан оралиқ масофанинг меъёрини ушлаш олмаслик, унга худди ёш боладай мурожаат қилиш, тажрибасизлик, ички сирларни билишга мойиллик ва бошқалар ҳосдир. Шундай қилиб киришимли-ўқитувчи экстровеертлиги, можароларга кам аралашини, хайрихохлиги, эмпатияга қобиллиги, болаларни севишлиги билан ажралиб туради. У ўзининг тарбиялаш таъсирини ўқувчига мос келиши, шахсий ҳаётдаги бирлашини нуқталарини излаш йўли билан амалга оширади. Табиийки бу таъсирлар ўқувчининг «ҳаётий» юриш-туришига кўпроқ ўзгаришлар киритади. Охирги сифат бу типлар орасида боғловчи занжир сифатида иштирок этади. Шунини таъкилдаш керакки бу ерда мутлақо эмас, балки нисбий устунлик ҳақида гапириляпти. Масалан, киришимли ўқитувчи-педагог, ташкilotчи типигадаги ўқитувчи-педагогни ишини бажариши мумкин, лекин «ташкilotчи»га нисбатан киришимли тип ортиқча куч ва вақт талаб қилади. «Киришимли»(5 тур) тип ўқитувчилар таълим тарбия жараёнида ўз ўрнини тўғри баҳолай олмайди. Бу ҳолат ҳам ўқитувчилар

фаолиятидаги деформациядир. Киришимлилик ҳам йиллар давомида шакилланади. Уни таълим тарбия соҳасидаги салбий таъсири ўқувчиларни ривожланишда харби кишини ўз ўрнини билиши кераклигини билдирибборишдан четлаштиради.

Юқорида келтириб ўтилган типлари (киришимли, предметик, ташкилотчи, интеллигент) педагогик муносабатлар ўзининг қўллаган усуллари ва тарбиялаш йўллари орқали таъсир каналига эга.

Касбий фаолият билан бирга мутахассиснинг шахсий хусусиятларини ўзгариши ҳам кузатилади, бир томондан фаолиятни муваффақиятли амалга оширига мослашган, сифатларнинг интенсив ривожланиши кучаяди, бошқа томондан бу жараёнда иштирок этмаган сифатларнинг ўзгариши ёки сусайиши ва хатто йўқолиши амалга ошиши мумкин.

Ўқитувчи ўзининг шахсий хусусиятларига қараб биргина касбий функцияларни амалга ошириш учун юқори даражада мослашган бўлади. Шу билан бирга бошқа функциялардан фойдаланиб бўлмайдиганга ўхшаб қолади.

Педагог шахсининг касбий фаолиятидаги деформацияси ҳақида огоҳлантириш ва уни бартараф этиш мактаб психологининг долзарб ишларидан бири ҳисобланади. Педагогларни фаолиятидаги кузатиладиган деформацияларни камайтириш учун қўйдаги тартибда ишлар олиб бориш лозим:

- Педагог кадрларни фаолияти давомида кузатилиши мумкин бўлган деформацияларни олдиндан индивидуал аниқлаб бориш;
- Аниқланган турдаги деформацияларни баотараф этиш учун хар бир тур деформация турига мос тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Ўқитувчи фаолиятидаги деформацияни хажмига қараб, зарур ҳолатларда педагогни бошқа муҳитга ўтказиш;
- Ўқитувчиларни даврий фаолияти бўйича малака олишини ташкил этиш;
- Ўқитувчи кадрларни фаолияти бўйича раҳбариятни доимий назоратини ташкил этиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Безносов С.П. Профессиональная деформация личности. – СПб.: Речь, [2004.](#) - [272](#) с.
2. Bessonova L., Dobrosmyslova S. Professional and personal competence as a condition for overcoming professional deformation of a social work specialist's personality. Современные исследования социальных проблем. № 1 ([09](#)). [2012](#).
3. Газиев Э.Г. Управление учебной деятельностью школьников. Тошкент, 2001г.
4. Зеер Э.Ф., Сыманюк Э.Э. Психология профессиональных деструкций: Уч. для вузов. – М.: Академич. проект, [2005](#). – [240](#)с.
5. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. Москва.Владос.1999. Книга 2. 476с.
6. Ғозиев Э., А.Жабборов. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. Университетларнинг психология мутахассислиги учун ўқув қўлланма. Тошкент-2003 й.